

## Шартнома

Договор № ИН-3

Тошкент шаҳри  
(место заключения договора)24-августа 2023  
(дата заключения договора)

"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'ZARXIV AGENTLIGI HUZURIDAGI ARX (именуемое в дальнейшем - Исполнитель) в лице директора RIXSIBOYEV MIRAXMADJON ABDULLO O'G'LI, с одной стороны, и "SIRDARYO VILOYATI KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK BOSH BOSHQARMASI" DM (именуемое в дальнейшем - Заказчик) в лице директора QUVONDIQOV BEKTOSH EGAMOVICH, с другой стороны, вместе именуемые Стороны, а по отдельности - Сторона, заключили настоящий договор о следующем:

## 1. Шартнома предмети

По настоящему договору Заказчик оплачивает и принимает, а Исполнитель поставяет товар(услуг) на следующих условиях:

№	Наименование товаров (услуг)	Идентификационный код и название по Единому электронному национальному каталогу товаров (услуг)	Единицы измерения	Кол-во	Цена	Стоимость поставки	НДС		Стоимость поставки с учётом НДС
							ставка	сумма	
1	Qahhorov Olimjon Qahhorovich	10899002001000000 - Ўқув ва таълим курслари, шу жумладан индивидуал репетиторлик хизматлари (барча йўналишлар бўйича)	услуга (сум)	1,00	1 800 000,00	1 800 000,00		Без НДС	1 800 000,00

Общая сумма договора составляет Один миллион восемьсот тысяч сум 00 тийин (сумма прописью).

1.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан таклиф қилинган тингловчини «Ташкилотларда иш юритиш, электрон хужжат айланиши ва ижро назоратини ташкил этиш» мавзусидаги ўқув машғулотида ижро назоратини ташкил этиш, ташкилотларда иш юритишни ташкил этиш, хужжатлар билан ишлашни ташкил этиш, хужжат сақловини тўғри таъминлаш, ижро интизомини мониторингини олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар мувожаатларини қабул қилиш, электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан малакасини ошириш бўйича ўқитиб бериш, ўз ўрнида «Буюртмачи» эса «Бажарувчи»га амалга оширилган ишлар юзасидан шартномада белгиланган тўлов суммасини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунига 2021 йил 22 апрельдаги ЎРҚ-684 -сонли 71 моддага асосан ягона етказиб берувчи реесторига киритилганлик сабабли тўғридан-тўғри тузилади.

1.2.«Бажарувчи» Республикада тарқалган COVID-19 пандемияси туфайли ўқув машғулотларини масофавий ўқув шаклида (дистанционий тренинг в формате онлайн) ёки анъанавий шаклда ташкил этади. «Буюртмачи» COVID-19 пандемияси туфайли ўқув машғулотлари масофавий ўқув шаклида ташкил этилганда ўзи томонидан иштираётган этилиши белгиланган ходимнинг зарурий техник жиҳозланишини (планшет, компьютер воситалари, интернет тармоғи, дастурий таъминот) таъминлаш учун масъул хисобланади.

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.«Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.1.1.«Ташкилотларда иш юритиш, электрон хужжат айланиши ва ижро назоратини ташкил этиш» бўйича ўқув машғулотлари тингловчиларни 40 академик соатлик дастур асосидаги 5 кунлик ўқишга қабул қилади.

2.1.2.Ўқув машғулотларини малакали мутахассислар иштирокида олиб боришни таъминлайди.

2.1.3.Ўқув машғулотларини замонавий техник воситалардан фойдаланилган ҳолда тингловчи учун барча шарт-шароитларни яратади.

2.1.4.Ўқув машғулотлари охирида тест синовини мувофақиятли топширган тингловчиларга белгиланган тартибда Сертификат беради.

2.2.«Буюртмачи» куйидагиларга мажбур:

2.2.1.Юқорида кўрсатилган жадвал асосида ўқишга йўналтиради: 30январь -3 февраль саналарида.

2.2.2.Тингловчилар зиммасига ўқув курсларида ўрнатилган ички тартиб қоидаларга риоя қилиш мажбуриятини юклайди.

## 3. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

3.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

3.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилилмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

3.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари



номидан ҳар қандай вақт ва шаклда куйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир қилишига йўл қўймайди:

д) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишининг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

3.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан куйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

3.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

3.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама атиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### **4. Ўқув машғулоти учун тўлов миқдори ва ҳисоб китоб тартиби**

4.1. Ўқув машғулоти тўлов миқдори бир киши учун 1 800 000 (бир миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Ўқув машғулоти учун тўлов (жами тингловчилар учун) 1 800 000 (бир миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

4.3. Тўлов "Буюртмачи" томонидан мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида, умумий хизмат нархининг 100% и миқдорида олдиндан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилган ҳисоб рақам орқали операцияларни амалга оширувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар "Буюртмачи" ҳисоб рақамига машғулоти учун тўловни ўқув машғулоти бошланишидан олдин 30%, қолган 70% тўловни тақдим этилган ҳисоб-фактурага биноан амалга оширади.

Курс тингловчиларига «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ тўлови амалга оширилмагунга қадар сертификат берилмайди.

4.4. «Буюртмачи» хизматлар кўрсатиб бўлингандан 5-кундан кечиктирмай, электрон тарзда тақдим этилаётган ҳисоб фактураларни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб қабул қилиб олиши ёки асослантирилган важлар кўрсатилган, қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ёзма эътироз тақдим этилиши лозим.

4.5. Ушбу шартноманинг 4.4. бандида кўрсатилган 5 кунлик муддат ичида «Буюртмачи» ҳисоб фактураларни қабул қилиб қайтармаса ва ҳисоб фактураларни қабул қилмаслигининг асослантирувчи важлари кўрсатилган ёзма эътироз тақдим қилмаса хизматлар «Бажарувчи» томонидан тўлиқ ва сифатли тақдим этилган деб ҳисобланади.

#### **5. Шартноманинг бажарилиш шартлари**

5.1. «Бажарувчи» ўқув машғулотида белгиланган тартибда тингловчиларнинг даволатини ва ўзлаштиришини назорат қилишни ташкил қилади. Агар тингловчи узрли сабабсиз уч машғулоти кеч қолса, икки кун машғулоти қатнашмаса ёки ўқув машғулоти тўлиқ тугатмаса тингловчилар таркибидан чиқарилади ва ўқув машғулоти учун ўтказилган пул «Буюртмачи»га қайтарилмайди.

#### **6. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

6.1. Мазкур шартномага киритилаётган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақида бир томон иккинчи томонга маълум қилади ва ҳар икки томон имзолаган бўлсагина бу ўзгартириш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади.

6.2. Мазкур шартнома шартлари қонуний кучга киргунга қадар томонлар шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бироқ мазкур шартнома қонуний кучга кирган ва ўқув машғулоти бошлангандан сўнг шартнома шартлари бажарилгунга қадар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

#### **7. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал этилади. Томонлар ўзаро муросага кела олмасалар, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда даъвогар жойлашган манзилдаги судда ҳал қилинади.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик тартибида ҳал этилади.

#### **8. Томонларнинг жавобгарлиги**



9.1. Мазкур шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажаришдан бўйин товлаган томон Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ФК ва "Хўжалик юришувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига асосан жавобгар бўлади.

## 9. Форс-мажор

9.1. Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни энгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар тўғрисида мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

9.2. Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир-бирларини ушбу ҳолатлар юз берган ҳолда зудлик билан ёзма ёки оғзаки тартибда хабардор қилиши шарт.

9.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

## 10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати кўмитасида очилган ҳисоб рақам орқали операцияларни амалга оширувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар учун Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати кўмитасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг) кучга киради ва шартнома 2023 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

Мазкур шартнома бир хил қонуний кучга эга бўлган икки нусхада (ҳар бир томон учун бир нусхадан) тузилади.

## 11. ЮРИДИЧЕСКИЕ АДРЕСА И РЕКВИЗИТЫ СТОРОН

### Исполнитель

Наименование: "O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI O`ZARXIV AGENTLIGI HUZURIDAGI ARX

Адрес: ГОРОД ТАШКЕНТ ЧИЛОНЗАРСКИЙ РАЙОН  
CHILONZOR 1-BERK KO`CHASI MANZILIDAGI O`ZBEKISTON  
KINOFOTOFONO HU

Тел.: 998999710936

Факс:

ИНН: 307576171

ОКЭД: 74

Р/С: 20210000905262640001

Банк: ТОШКЕНТ Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ МЕХНАТ  
ФИЛИАЛИ

ИФО: 00423

### Заказчик

Наименование: "SIRDARYO VILOYATI KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK BOSH BOSHQARMASI" DM

Адрес: Mustaqillik ko'chasi

Тел.:

Факс:

ИНН: 201775991

ОКЭД: 84130

Р/С:

Банк:

ИФО:

№2008992871 11.08.2023 11:28:37

ОТПРАВЛЕНО

RIXSIBOYEV MIRAXMADJON ABDULLO O'G'LI

оператор: Didox.uz

IP: 213.230.72.220



*B. Iyovonov*  
*[Signature]*